

Маънавий-Маърифий Ишлар Самарадорлигини Ошириш Омиллари

Намазова Нодира Джумаевна

Бухоро давлат тиббиёт институти доценти

Аннотация: Мақолада узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишнинг асосий омиллари таҳлил қилинган. Шарқ мутафаккирлари маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрнига эътибор қаратилган. “Комил инсон” тушунчасининг фалсафий мазмуни очиб берилган. Абу Наср Фаробийнинг ёшлар маънавий тарбиясига оид фикрлари таҳлил қилинган. Ёшлар тарбиясига оид вазифаларга қисқача изоҳ берилган.

Калит сўзлар: Маънавий қадрият, маънавий мерос, Шарқ мутафаккирлари, комил инсон, маънавий тарбия, ахлоқий фазилятлар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда [6-9].

Бугунги кунда жамият тараққиётида, бир томондан, маданият моҳиятининг ўсиб бориши, иккинчи томондан, маданий жараёнларнинг коммерциялашуви, оммавий маданиятнинг кириб бориши, электрон оммавий ахборот воситаларининг таъсири ҳам кузатилмоқда. Улар эса, ўз навбатида, ёшларнинг мақсадлари, маънавий-маданий идеаллари ва қизиқишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ёшларга доир олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот “ёшлар” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш, мазкур ижтимоий гуруҳнинг турларини (шаҳар ва қишлоқда яшовчи, ишчилар, ўқувчилар ва ҳ.к.) аниқлаш, ёшлар яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муҳитнинг ҳолатини ҳисобга олишни талаб этади.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун ёшларга учта ўзаро боғлиқ даражада ёндашиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ижтимоий феномен сифатида умумметодологик даражада ёндашиш;

иккинчидан, махсус назарий даражада ёндашиш, яъни уларни алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳ деб ҳисоблаш, хулқи, яшаш тарзининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, бойлик мўлжалларини ўрганиш;

учинчидан, эмпирик, яъни социологик тадқиқотларнинг далиллари ва кўрсаткичларига асосланган ҳолда ёндашишдир [2-4].

Ёшларни мазкур ёндашувлар асосида ўрганиш, уларга маълум (16-30 ёшгача бўлган) ёшдаги кишилар сифатида қарабгина қолмай, балки ўзига хос ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида қарашга ҳам имкон беради. Мазкур гуруҳ, бир томондан, ўзига хос психологик жисмоний

хусусиятлари, ижтимоий механизми, ҳаётга кириб бориши билан боғлиқ алоҳида фаолият олиб борса, иккинчи томондан, субмаданият, жамият ижтимоий табақаланишига боғлиқ ички дифференциациялаш жараёнлари билан тавсифланади. Демак, ёшларга илмий ёндашиш уларга жамиятнинг ўзига хос гуруҳи сифатида қарашни, ҳаётнинг турли жиҳатлари ва хусусиятларини комплекс ўрганишни талаб этади. Ёшларга оид масалалар таълимтарбия, ахлоқ-одоб, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муносабатлар, сиёсат, ҳуқуқ, дин, бўш вақтни ташкил қилиш, оила, меҳнат, спорт билан чамбарчас боғлиқдир.

Таълим-тарбия жараёнида ёш авлодни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор қаратмоқ лозим. **Умуминсоний қариятлар** - жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади.

Инсонни камолотга етишувида ҳам қадриятлар муҳим роль ўйнайди. Қадрият – жамият тараққиётининг, моддий ва маънавий бойликлар ривожининг маҳсули сифатида инсон камолоти учун ҳам катта аҳамиятга эга ҳодисадир. Қадр-қиммат – ахлоқ тушунчаси бўлиб, одамни маънавий томондан тўлиқ баҳолашга ишлатилади. Шу билан бирга одамнинг ўз-ўзига ва жамият унга шахс сифатида берадиган қадриятни ҳам кўрсатади.

Ёшлар онгининг беқарор ва зиддиятли характери уларнинг ҳулқи ва фаолиятига, албатта, таъсир этади. Назаримизда, бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, ҳозирги кунда ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёни анча мураккаблашди, шунинг учун ҳам уларнинг ижтимоий балоғатга етиш омиллари анча ўзгарган. Мазкур омиллар нафақат ёшларнинг мустақил меҳнат қилишлари, балки таълим олишларини тугатиш, касбга эга бўлиш, катталардан моддий жиҳатдан бутунлай мустақил бўлиш кабилар билан тавсифланади. Ижтимоий гуруҳлар доирасида мазкур омиллар бир хил намоён бўлмайди, шунинг учун ҳам ёшлар уларга турлича амал қиладилар, яъни бирон-бир масалага ёшлар ўта жиддий ёндашишлари мумкин бўлса-да, бошқа бир масалани ҳал қилишда ёш болаларга ўхшаб фикрлайдилар. Иккинчидан, ёшларнинг ижтимоий балоғатга етишуви бир қатор мустақил омиллар (оила, мактаб, жамоа, оммавий ахборот воситалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа гуруҳлар) таъсири остида амалга ошади. Мазкур ижтимоий механизмларнинг ҳар бири ёшлар тарбиясида турли хил вазифаларни бажаради ва ўзгача таъсир этади.

Маърифат, -деган эди Абу Наср Форобий, - тарбияланувчининг хоҳиши ва иродасини керакли йўналишга бошқариш санъатидир. Бугунги кунда бу жараённи олимларимиз «педагогика» деб юритмоқдалар. Алломанинг фикрича, инсоннинг энг юксак хусусияти унинг бахтга эришганлигидадир. Бахтга эса, фақат фойдали билимларни ўзида жамлаш орқали эришиш мумкин. Чунки инсон дил роҳатининг энг юқори чўққиси билим олиш жараёнидир.

Абу Наср Фаробийнинг фикр юритишича, инсон туғилгандан фазилатларни эгаллашга, етуклик ва камолотга интилади. “Ҳар бир инсон, - деб таъкидлайди аллома, - бошидан комил эмас, аммо туғма равишда ўзига хос бўлган ички шуур ила босқичма-босқич комилликка жидду жаҳд билан интилади. Ҳамма нарсани идрок қилиш инсонни комиллик ва лаззат томон бошлайди. Инсоннинг асл руҳий камолоти биринчи Ҳақни таниш орқали ҳосил бўлади ва шунинг ўзи, айнаи вақтда маърифат, бахт-саодат ва лаззатнинг ҳам ўзидир”. Демак, Форобийнинг фикрича, камолотга эришиш билим орқали, фазилатларни эгаллаш, хайрли ишларни амалга ошириш орқали рўёбга чиқади [14-20].

Хўжа Абдулҳолик Ғиждувоний маънавий-руҳий камолотга эришиш шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларидан иборатдир, дейди. Шариятсиз тариқатга кириб бўлмайди ва тариқатсиз ҳақиқатга эришилмайди.

Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўрнак деб билади, бундан инсон у каби ҳаёт кечиришни, у эришган ютуқлар каби муваффақиятларга эришишни, юксак чўққиларга чиқишни кўзлайди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари ўз ҳаётлари учун бошқа маданият вакилларининг фикрлаш ва ҳаёт тарзини ўрнак қилиб олишлари кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда.

XXI асрда турли ҳаёт тарзлари ва ғоялар рақобатга киришди. Бунда муваффақиятга эришиш учун ҳар бир давлат ўзлигини сақлаган ҳолда, диний ва миллий қадриятларини бошқаларга англантишни асос қилган мафкурага эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, ўзликни йўқотиш, бебаҳо қадриятлардан воз кечиш кишини тараққиётдан ажратиб, уни тобе, мустақил фикри йўқ манқуртга айлантириб қўяди. Ҳозирги кунда ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун зимдан олиб борилаётган фитналар баъзи миллатларнинг ўзлигини йўқотишга қаратилганини сезиш мумкин. Бунда эътибор ҳудудларини эгаллаш эмас, балки инсон онгини эгаллашга йўналтирилган.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини ўзида мужассамлаштирувчи узлуксиз таълим тизими ҳар томонлама етук, баркамол авлодни етиштириш учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Ушбу шарт-шароитлар негизида оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги асосий ўрин эгаллайди [21-24].

Ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашда Шарқ мутафаккирларининг роли бекиёсдир. Комил инсон ғояси ўз моҳият-эътибори билан миллий, умуминсоний ва гуманистик мазмунга эгадир. Ҳар бир жамият ўз олдига етук, ҳар томонлама камолга етган, ўзида бутун ижобий, олийжаноб хислатларни тўплаган баркамол авлодни тарбиялашни орзу қилади. Шунинг учун комил инсон ғояси ўтмишимизнинг узоқ-узоқ даврларига бориб тақалади. «Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озикланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса, теран ифода топган. Комил инсон деганда кимларни назарда тутамиз? Комил инсон - тасаввуф ақидаларига кўра: «Комил инсон... одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларни ифодачиси, у гўё Мутлоқ илоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи муқаддас хилқат. Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиуллоҳ, қибла, қутб, ғавс (мадакдор), автод (устунлар), абдол (бадал қилинган) деб ҳам улуғлаганлар. Мўътабар китобларда нақл қиладиларким, Дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осойиштадир».

Инсон, аввало, оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик одамлар орасида — маҳалла-қўйда, таълим муассасаларида сайқал топади. Шундай экан, ватанимиз ва халқимизнинг эртанги кунини, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини белгиловчи баркамол авлодни вояга етказишдек улуғ вазифани оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, ёшлар тарбиясида учякдиллик, яъни оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигининг роли бекиёс ҳисобланади [25-30].

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ҳамда ёшлар тарбияси масаласида қуйидаги тадбирларда иштирок этади: ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; - ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради; ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади; тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади; ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллада, шунингдек таълим муассасасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлигини қуйидагиларда кўриш мумкин: ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади; соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли

ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказди; ёшларни ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади; фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавfli касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, захарвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этади; ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашади; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин; - ёшларни тадбиркорликка жалб этишга, касбга йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки, тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади [10-13].

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари, айниқса, ёшлар таълим-тарбиясига масъул вазирлик, идора ҳамда ташкилотлар, ота-оналар, маҳаллалар фаоллари, қўни-қўшни, таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийлари ҳамда жамоатчилик зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, эртамиз эгаларини юртпарвар, инсонпарвар, юксак маънавиятли, улф аждодларимизга муносиб ворислар қилиб вояга етказиш бугунги кунда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори.
2. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Тошкент: Ёзувчи, 2002. –Б. 14.
3. Темирова Н.Э. Қадриятлар ва ёшлар камолоти. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2008.26-б.
4. Нурмухамедов Р., Юнусов И. Маънавият, этика ва эстетика тарбияси. – Тошкент: Ибн Сино, 2000. - Б. 39-40.
5. Зиёмухаммедов Б.Ғ. Комилликка элтувчи китоб. –Тошкент: TURON-IQBOL, 2006. 84-б.
6. Эройдин С. Тасаввуф ва тариқатлар. -Истанбул. 1981. 158-159 б.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ўзбекистон, 2000 йил, 56-бет.
8. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1994. 143-144-б.
9. Imomjonovich, I. I., & Amirkulovna, A. G. (2021). Methods of early detection of rejection in a kidney transplant from a relative donor. *Academicia Globe*, 2(05), 293-295.
10. Imomjonovich, I. I., & Amirkulovna, A. G. (2021). Current immunological problems in kidney transplantation.
11. Arashova, G. A., & Kh, G. M. (2021). Morphological and Functional Aspects of the Lymphatic System and its Current Problems. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, 10(5), 149-152.
12. Арашова, Г. А., & Бобожоджаев, С. Н. (2008). Клинико-эпидемиологические особенности бруцеллёза. In *Российская научно-практическая конференция* (No. 4 Часть 1, pp. 14-15).

13. Арашова, Г. А. (2019). К вопросу о течении ветряной оспы у взрослых. *Проблемы биологии и медицины*, (4-2), 10-12.
14. Арашова, Г. А. (2019). Клинические особенности течения ветряной оспы у взрослых. *Новый день в медицине*, (4), 130-132.
15. Arashova G.A. (2023). Clinical and Epidemiological Features of Acute Brucellosis at the Present Stage. *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences (2993-2149)*, 1(9), 80–84.
16. Namazova Nodira Dzhumaevna. (2023). PROPORTIONALITY OF THE RELEVANCE OF KNOWLEDGE AND SKILLS OF UNIVERSITY GRADUATES WITH THE REQUIREMENTS OF THE LABOR MARKET OF SMALL AND MEDIUM ENTERPRISE. *International Journal Of Management And Economics Fundamental*, 3(09), 21–30.
17. Namazova Nodira Dzhumaevna. (2023). CHALLENGES OF THE MARKET IN THE TRANSFORMATION OF INNOVATIVE AND EDUCATIONAL METHODS FOR THE FORMATION OF THE LABOR AREA OF YOUTH. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(05), 82–86.
18. Намазова, Н. Д. (2022). ИНДИКАТОРЫ В РЕГИОНАЛЬНОМ ПЛАНИРОВАНИИ КАК ВОЗМОЖНОСТЬ СОЧЕТАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ С РЫНОЧНЫМ САМОРЕГУЛИРОВАНИЕМ. *Herald pedagogiki. Nauka i Praktika*, 2(4).
19. Намазова, Н. Д. (2022). МЕСТО СОВРЕМЕННОГО ВУЗА В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 916-925.
20. Namazova, N. D. (2022). WAYS TO SATISFY THE NEEDS OF SMALL BUSINESS IN THE TERRITORIES IN INNOVATIVE AND COMPETITIVE CHARACTERISTICS OF THE LABOR POTENTIAL OF YOUTH. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(08), 66-72.
21. Nizamov, A. B., & Namazova, N. D. (2016). Towards modernization of market competence of graduates of secondary specialized, vocational education. In *55th Science Conference of Ruse University, Bulgaria* (pp. 261-266).
22. Namazova, N. D. (2022). Indicative Planning As A Model For Creating Conditions For Increasing Interaction Of Economic Subjects In Regional Management. *Journal of Positive School Psychology*, 6(8), 7814-7818.
23. Намазова, Н. Д. (2022). МЕСТО СОВРЕМЕННОГО ВУЗА В РАЗВИТИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 916-925.
24. Namazova, N. (2016). THE ROLE OF THE MODERN UNIVERSITY IN THE KNOWLEDGE TRANSFER РОЛЬ СОВРЕМЕННОГО ВУЗА В ТРАНСФЕРЕ ЗНАНИЙ. *Proceedings of university of ruse*, 55.
25. Namazova, N. D. (2022). The place of a modern university in the development of a regional innovation system. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 916-925.
26. Kenjaeva Khurshida Pulatovna. (2023). PHILOSOPHICAL-DIDACTICAL TREATISE BY ALISHER NAVAI “BELOVED OF HEARTS”. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(11), 21–26.
27. Kenjaeva, K. P. (2023). “Beloved of the Heart” Philosophical and Moral-Educational Work of Alisher Navai. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 4(12), 1-6.

28. Khurshida Pulatovna Kenzhaeva. (2023). Humanistic Views in the Work of Alisher Navoi. *Excellencia: International Multi-Disciplinary Journal of Education (2994-9521)*, 1(6), 73-78.
29. Кенжаева, Х. П. (2023). АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҚАРАШЛАРИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. *ЎТТМОЎ FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(12), 242-247.
30. Khurshida Pulatovna Kenjaeva. (2023). Basic Requirements for a Modern Personnel Training Model. *International Journal of Formal Education*, 2(12), 407–412.